

# Қадриятларини боқий бўлсин, Наврўз!

<http://farhaqiqat.uz/>  Gazeta 1914-yil 3-apreldan "Sadoi Farg'ona" nomi bilan chiqa boshlagan  [t.me/farhaqiqati](https://t.me/farhaqiqati)

**№ 12**  
(24984)  
2025-йил 20-март,  
payshanba

# Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

"Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили" да халқимиз томонидан кенг нишонланаётган Наврўзи олам шодиёналари янги раҳ ва мазмун касб этмоқда. "Қадриятларини боқий бўлсин, Наврўз!" деган бош ғоя асосида, умумхалқ сайиллари шаклида нишонланаётган яшариш ва янгилашни байрами юртимизнинг кўп миллатли аҳолисига олам-олам завқ-шавқ бағишламоқда. Дошқозонларда Наврўзнинг шоҳ таоми – сумалак пиширилиб, шодиёна иштирокчиларига тарқатилляпти.

## ХАЛҚ БАЙРАМИ ХАЛҚОНА САЙИЛЛАРГА АЙЛАНДИ



Ватанимизда инсон қадри ва бахти учун амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самараси бугун байрам шукӯҳидан шод одамларнинг юз-кўзи, кайфияти, уларнинг турмуш тарзида яққол акс этмоқда. Вилоят, шаҳар-туманлар марказларидаги бош майдонлар, кўча ва хиёбонлар, кишлоқ ва маҳаллалар миллий услубда байрамона безатилган. Умумхалқ байрамини муносиб нишонлаш мақсадида барча ташкилий, амалий, маданий-маърифий ҳамда тарғибот тадбирлари юқсак савияда ўтказилмоқда.

Бу йилги Наврўз байрами муборак Рамазон ойига ҳамоҳанг нишонланаётганида ҳам рамзий маъно мужассам. Кекса авлод вакиллари, меҳнат фахрийлари ҳар томонлама эъзозланмоқда, "Муруват", "Саховат" уйларида иштирок қилаётган шахслар, ижтимоий ҳимоя дафтарларида киритилган кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олинляпти. Улар учун байрам дастурхони ёзилиб, турли хайрия тадбирлари ташкил этилмоқда.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида вилоятимизнинг барча ҳудудларида, кўча ва маҳаллаларида кўчат экиш, боғ-роғлар яратиш, ободлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушлари амалга оширилмоқда. Хонадонлар обод ва оралта, аҳолининг эртанги кунга бўлган ишончи қатъий.

Вилоятимизда яшаётган турли миллат ва элатлар вакилларининг миллий урф-одатлари, анъана ва қадриятлари Наврўз сайилларида кенг намойиш этилиб, юртимизга тинчлик-омонлик, бахт-саодат, Ватанимиз ривож учун эзгу тиллақлар янграмоқда.

Жойларда хунармандчилик кўргазмалари, миллий спорт турлари, халқ ўйинлари бўйича мусобақалар, китоб кўргазмалари, арзонлаштирилган кишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари, кўклам таомлари тайёрлаш танловлари, туманларда "Урик гуллаганда" фестиваллари ўтказилмоқда. Худудларга ўрнатилган саҳналарда вилоятимиз санъат усталари, ёш ижрочилари, бадий хаваскорлик жамоалари, миллий дор ўйинлари, миллий-маданий марказлар аъзоларининг қизикарли чиқишлари ташкил этилиб, байрамга ўзгача файз бағишламоқда.

"Қадриятларини боқий бўлсин, Наврўз!" деган бош ғоя асосида Наврўз умумхалқ байрами халқона сайиллар сифатида вилоятимизда давом этмоқда.

Ўз муҳбиримиз.

**Баҳорнинг чи-накам гўзаллиги – ўрик гуллаганда билинади. Боғлар, йўл ёқалари, хонадонлар шунда нурга тўлади, гўё.**

Ўрик гуллаганда ёшлар ижодиёт фестивали Фарғона вилоятида бу йил иккинчи марта ўтказилляпти. Олтиариқ тумани ҳудудидаги юзлаб гектар боғлар қийфос гуллаган. Айниқса, қир-адирлар бағридаги ўрикзорлар кўзни қамаштиради. Фестивалнинг расмий очилишида ташкилотчилар "Урик гуллаганда" Фарғонанинг ўзига хос миллий анъанасига айланиб бораётганини таъкидладилар.

Халқ лапарлари, замонавий кўшиқлар ўрикзорнинг анвоий сасига уйғунлашди.

– Кўзимдан ой топар мардона гуллар, Гуллайди кўксимда девона гуллар. Кўнглимга кўчади Фарғона гуллар, Дилим Фарғонажон, гулим Фарғона.

## ФАРҒОНА БОҒЛАРИДА "ЎРИК ГУЛЛАГАНДА" ФЕСТИВАЛИ

Бугун баҳор Фарғонадан бошланганга ўхшайди, – дейди Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳиби Дилнавоз Қўлдошева. – Чунки аслида баҳор бир оз кечиккандек эди. Аммо ўрик гулларига тўла бу боғда ҳақиқий баҳор таровати, Наврўз шукӯҳи кезляпти.

Халқимизнинг қалбида хурсандчилик, кўзиде қувонч. Ун гектардан зиёд чаман бўлиб гуллаган ўрикзорда миллий ўйинлар, фольклор жамоалари чиқишлари, рассом ва хунармандлар асарлари намойиши, ёш полвонлар ўртасидаги кураш мусобақалари, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси, шеърхонлик каби тадбирлар ташкил этилди. Кекса отахону онахонлар замонга шукрона айтиб, дуо қилдилар.

Вилоятнинг таниқли санъаткорлари бирин-кетин саҳнага чиқдилар.

"Урик гуллаганда" фестивалида Фарғона вилоятида ишлаб ўқиётган хорижликлар ҳам иштирок этишди. – Мен хиндистонликман, тиббиёт институтида ўқийман, – дейди Дайман. – Яқинда миллий байрамимиз Холли Фарғонада ҳам кенг нишонланди. Ўзбеклар бағрикенг халқ экан. Қувончимизга шерик бўлишди. Бугун эса биз уларнинг миллий фестивалида ўз рақсларимиз билан қатнашляпимиз.

– Мен биринчи курсда ўқийман. Таълим олиш учун Ўзбекистонни, Фарғонани танлаб тўғри қилган эртанман. Менга "Урик гуллаганда" фестивали ёқди. Янги дўстлар ортирдим, – дейди Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти 1-босқич талабаси, хиндистонлик Мухаммад Ҳамид.

Боғ оралаб миллий кийимлар намойиши бошланди. – Олимми, ижодкорми, шоирми, санъаткорми, хунармандми, тадбиркорми байрами биргалликда нишонлаётганимиз халқимизнинг жипслиги, бирдамлиги, бир-бирига елкадош эканидан далолат беради, – дейди Дилнавоз Қўлдошева. – Мухтарам Президентимиз бошчилигидаги ислохотлар ҳаётида ишбтани топмоқда. Фарғонадан бошланган баҳор бутун республикага, бутун дунёга шукӯх улашишига ишонаман. Фарғонага келинг, "Урик гуллаганда" фестивалида бирга бўлинг.

Элёр ОЛИМОВ ва Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.

## Корея Республикаси учун малакали ишчилар тайёрланмоқда

Ўзбекистонга дунё ҳамжамиятида ишонч тобора мустаҳкамланиб борапти. Буни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.



2024 йил 30 август. Агентлик делегацияси Корея Республикасининг Улсан шаҳар мэриясида қабул қилиниб, ўзаро ҳамкорлик юзасидан келишиб олинди. Ўзбекистонда "Улсан шаҳрига малакали кадрлар тайёрлаш маркази"ни ташкил этиш ҳақида шартнома имзоланди.

2025 йил 18 март. Фарғона шаҳрида "Улсан шаҳрига малакали кадрлар тайёрлаш маркази" тантанали равишда очилди. Мақсадлар аниқ, ҳуқуқий асослар мавжуд, вазифа олий мақомда уудланди. Натияжада 6 ойда ўйдаги режалар амалда намоен бўлди. Марказ очилиши чоғи сўзга чиққанлар шу жиҳатларни алоҳида таъкидладилар.

Маълумки, Корея Республикаси иқтисоди жуда тез ривожланаётган давлат. Ва табиийки, унга малакали ишчи кучи етишмайди. Эҳтиёжни эса дунёдаги 17 та

синланган давлат фуқароларини жалб қилиш йўли билан қоплайди. Улар орасида Ўзбекистонга ҳеч берида берилмаган имтиёз қўлланди: Фарғонадаги марказда ўқиган ёшларга Улсан шаҳри мэрияси тўғридан-тўғри ишчи визаси беради. Бундай ҳуқуқий имконият ҳар икки давлат учун ҳам биринчи марта қўлланылди. Ундан юртимиз ёшлари фойдалана бошладилар.

– Чет элларда қурилиш соҳасида ишлаб юрдим. Кейин профессионал ишчи бўлиб Кореяга бориш фикри пайдо бўлди. Шунда "Hundai" компанияси Кореяда ишлашни таклиф қилганини эшитдим, – дейди марказ тингловчиларидан бири Бобур Арслонов. – Агар 3 ой ўқув курсида ўқисак, бизни Кореяга юқори маошли ишга юборишни айтишди. 2 ой корейс тили чукӯрлаштирилган тартибда ўқитилади.

1 ой иш кўникмалари ўргатилади, бу ерда. Бобур Арслонов ва унинг бугун ўқишни бошлаган дўстлари – янги мақомдаги биринчи қалдирғочлар. Режалар эса жуда катта.

– Кореяда ишлаш орузида бўлиб турган ёшлардан 365 нафари танлаб олинди. 105 нафари ўқишни бошлади. Кейинги босқични апрель ойида очамиз. Бу лойиҳани бир-икки йилда кенгайтириш ниятидამиз, – дейди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги директори Бехзод Мусаев. – Республикаимизнинг барча ҳудудларидан келадиган ёшларнинг тил ўрганиши, касба ўргатилиб, Кореянинг нуфузли корхоналарида фаолиятларини амалга оширишлари учун шароит яратилади.

Ўқув марказини ташкил этишда Фарғона вилояти ҳокимлиги катта ёрдам кўрсатди.

– Биз ишонамизки, Корея Республикасининг "Hundai" корпорацияси кemasозлик заводида малакали ишчи бўлиб, тажриба орттириб келган ёшлар кейинчалик юртимиз раванқиға муносиб ҳисса қўшадилар, – деди вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров.

– Ўзбекистон Корея меҳнат бозориде ҳалол, меҳнатсевар ва иқтидорли одамлар билан ишонч қозонган. Шунинг учун ҳам имтиёзли ҳуқуқий мақомдаги марказни мамлакатингизда ташкил этишга қарор қилинди, – дейди Улсан шаҳри мэри Ким Доо Гим. – Бу лойиҳани давом эттирамиз. Нафақат "Hundai", балки бошқа машҳур компаниялар учун ҳам малакали ишчилар жалб этишда Фарғона марказига устуворлик берилади.

Нозима ТОШМАТОВА, Марғилон педагогика коллежи ўқитувчиси.

Объектларнинг пухта ва кўркамлиги учун

# Қурилишлар сифати ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Вилоятимизда кейинги йилларда қурилиш ва бунёдкорлик ишлари кўлами мисли қурилмаган даражада кенгайиб, шаҳар туманларимиз кун сайин обод ва кўркам қиёфа касб этмоқда. Янги уйларга кўчиб ўтаётган минглаб оилаларнинг турмуш тарзи фаровонлашиб, эртанги кунга бўлган ишончи ортиб бормоқда. "Миллий ва замонавий меъморчилик аъённаларни асосида кўкка бўй чўзаётган кўп қаватли уйларнинг сифати талабга жавоб берадими?" деган савол эса ҳеч қачон кун тартибидан тушмайди.



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекцияси ўз ваколатлари доирасида қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги, шунингдек, кўп қаватли уй-жой фондини бошқариш юзасидан давлат назоратини амалга ошириб келмоқда.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида инспекциядан 1119 та объект рўйхатдан ўтган. Йил давомида 7602 та назорат текширувлари ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун 5333 та эъза кўрсатма берилган.

Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва тегишли чоралар қўрилимоқда. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини 99-моддасига асосан, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйилган 584 та ҳолатда 4 740,410 миллион сўмлик маъмурий чоралар қўрилди.

Қурилиш объектларида олиб борилган назорат давомида 332 та ҳолатда 4 185,9 миллион сўмлик сифатсиз ишлар бажарилганлиги аниқланди. Давлат дастурларининг ижро этилишини назорат қилиш ва

мувофиқлаштириш бўйича вилоят ва ҳудудий туман-шаҳар штаблари маълумотнома киритилди. Инспекция томонидан 241 та ҳолатда 2 997,4 миллион сўмлик сифатсиз деб топилган ишлар бартараф эттирилди.

Ўтган йили жами 189 та тақдимномалар чиқарилди. Жумладан, лойиҳалаштириш, пудрат ташкилотларининг ишларидаги камчилик ҳамда хатоликлар учун лицензия ва рухсатномаларини тўхтатишга доир 7 та, сифати паст, яроқсиз материаллар ва буюмларнинг мувофиқлик сертификатини бекор қилиш ҳақида 39 та, муаллифлик ва техник назорат, иш юритувчиларнинг йўл қўйган камчиликларини туфайли объектдан четлаштириш юзасида тегишли органларга 129 та, экспертиза ташкилотларининг хатоликларини учун 13 та, махсус ваколатли органларнинг шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда қабул қилинган қарорларини бекор қилиш тўғрисида 1 та тақдимномалар чиқарилди.

Сифатсиз ва лойиҳадан четланган ҳолда қилинган қурилиш ишларида қатъий чек қўйилмоқда. Жумладан, 2024 йилда 972,1 миллион сўмлик ана шундай ишлар 112 та ҳолатда қайд этилди. Пойдевор, фишт девор, темир-бетон конструкциялари ҳамда

изоляция ва пардозлаш ишлари белгиланган талабга жавоб бермагани сабабли жойида буздирилди.

Объектларда бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари лойиҳа ва меъёрий ҳужжат талабларига зид равишда бажарилгани туфайли 145 та объектларда иш вақтинча тўхтатилди. Шаҳарсозлик қонунчилигини бузиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. 26 та шундай қонунбузилишлар ҳуқуқсиз қилиш материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилди.

Ўтган йилда судларга 39 та ноқонуний биноларни демонтаж қилиш, 111 та 2 194,023 миллион сўмлик дебитор қарздорликларни ундириш бўйича судларга даъво аризалари киритилди.

Инспекция рўйхатидан ўтмасдан, ноқонуний бошланган қурилиш объектлари ҳам йўқ эмас. Олиб борилган 715 та мониторинг давомида 349 та ана шундай объектлар борлиги аниқланиб, тегишли чоралар қўрилди. Таъкидлаш керакики, бугунги кунда рўйхатдан ўтказилмасдан, ўзбошимчилик билан қурилган 137 та объектлардан 39 таси бўйича судларга даъво аризалари киритилган. Қолган 98 та объектларнинг шаҳарсозлик ҳужжатлари расмийлаштирилиб, инспекция рўйхатидан ўтказиш чора-тадбирлари олиб

боримоқда.

Фуқаролар томонидан қилинган ноқонуний қурилмаларни бартараф этиш борасида 386 та мажбурий кўрсатма берилган. Шундан 79 та ноқонуний қурилмалар бартараф этилди. 122 нафар фуқарога нисбатан 874,9 миллион сўм жарима қўлланилди. Айни пайтда уларнинг 185 таси бўлими иш юритишда, 49 та фуқаролик судига даъво аризалар киритилган.

Шуни ҳам айтиш керакики, қурилиш соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида барча инспекторлар боди камералар билан таъминланди, инспекциянинг ўзида операторлар штаби ташкил этилиб, вилоят ҳудудларида олиб борилаётган 100 дан ортиқ қурилиш объектларини назорат қилиш мақсадида "Мезбон" қиз тўғридан-тўғри реал вақт режимида кузатиб бориш имконияти яратилган. Бир сўз билан айтганда, қурилишлар сифати доимий назоратда.

**Шерзод ХУДАЙБЕРГАНОВ,**  
**Фаргона вилояти ҳудудий қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.**  
**Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.**



Авваллари болажонлар вақтини турли халқ ўйинларини ўйнаб, мароқ билан ўтказишарди. Айниқса, ёзи таътил кунлари кўча-кўйда "тортишмачок", "оқ теракми, кўк терак", "бекинмачок" ўйнаётган болаларнинг шодон кулгуси оламни тутарди. Болалиқнинг бу каби беғубор олами катталарга ҳам завқ-шавқ улашиши билан бирга, ёшлик давларини ёдга солади.

Афсуски, йил сайин замонавийлашиб бораётган дунё қадрият ва аъённаларимиздан мусоуво қилмоқда. Айни пайтда маҳаллаларда тўп тепаётган, бир-бири билан қувлашмачок, "шакминди" ўйнаётган болаларни, "тўпшош"ли қизалоқларни деярли кўрмаймиз. Аксинча, қўлидаги мобил аппаратга мук тушиб ниманидир қўраётган, виртуал ўйинларга андармон бўлиб, ён-атрофида бефарқ ўйил-қизларни кўп учратамиз. Уларнинг олтин даврлари бесамар ўтаётганидан ачинасан киши.

Ҳа, аҳоли ўртасида халқ ўйинларига эътибор сусайди. Миллий ўйинларни Наврўз байрами арафасидагина "жонлангириш" одат тусига кирди.

Халқ ўйинларига аҳамият қаратсак, уларнинг бари инсонни жисмоний ҳаракат қилишга, топқирлик ва сичковчиликка ўндайди. Масалан, мол, кўй терисига қўрошмин ёки тангани ип билан маҳкамлаб тайёрланадиган "ланка"ни оёқ билан ерга тўширай тепиб ўйнаш натижасида болада чакқонлик ва уздабуронлик фазилати шаклланиб боради.

Ёки қизларнинг "ҳола-ҳола" ўйинини олайлик. Бунда қизалоқларнинг бир нечаси "меҳмон", бири "меҳмон" ролини бажаради. "Меҳмон" қиз тўғридан-тўғри реал вақт режимида кузатиб бориш имконияти яратилган. Бир сўз билан айтганда, қурилишлар сифати доимий назоратда.

уларнинг танаси чиниқади. Ёши саксонни қоралаб қолган Раҳимахон мо-мо беғубор ўтган ёшлик чоғларини шундай хотирлайди:

— Бола бўлиб шифохонада даволанганимни эслолмайман. Тенгдош дўгоналарим ҳам бирор жиддий касалликларга чалинишмаган. Шундан бўлса керак, оилалар серфарзанд эди. Чунки "иссиққа чикдик" дегунча оёқланган кўчадан уйга кирмасдик. Ҳатто кеч кириб қолса-да, маҳалламиз "зимзиё" — тунги бекинмачок ўйнаётган болалар билан тўла бўларди. Толлар новда чиқарган маҳалда йигитлар унинг новдасини олиб беришарди. Толдан гулчамбарлар ясашни ҳам мусобақага айлантирдик. Кимнинг қирққоқили гулчамбари чиройли чикса, у ёғлиб саналган. Жамонавий бирликка йўналтирувчи ўйинларимиз маҳаллада катта-ю кичикнинг иноқ яшашига сабаб бўлган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил 25 май куни қабул қилинган "Этноспорт турларини омалаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қадриятларимизнинг дунёга буй кўрсатиши, кадр топиши йўлида муҳим дастурлар амал бўлди. Ушбу қарор, том маънода, халқ ўйинларининг барҳаётлигига замин яратди. Қалбимизда халқимиз неча йиллар давомида асраб келган қадриятларининг қайта ниш уришига бўлган умид учуни порлади.

Шундай бўлса-да, миллий ўйинларни омалаштириш жараёни тўла "жонланди" дейишдан бироз йироқмиз. Ҳануз ёшларнинг онги онлик завқ улашувчи интернетда урф бўлган ўйинлар билан банд. Бу эса, тошбағирлик, лоқайдлик каби иллатларнинг жамиятга авж олишига, ёшларнинг соғлом ҳаётига раҳна солишига олиб келмоқда.

Умуман олганда, аъённавий халқ ўйинлари нафақат халқ маданияти ва санъатининг азали ажралмас бўлаги, балки болаларни тарбияловчи муҳим омидир. Шу боис, фарзандларимизнинг баркамол ва соғлом келажиги учун миллий ўйинларимизни оммага қайтаришимиз керак.

**Муаттар МАҲМУДОВА.**

Қизиқ замонлар келди. Дунё сиёсатини учта йирик давлат белгилапти. Улар ичидан ҳамон Америка етакчилик даъвосида. Россия — Украина урушига ҳам мурсадорликни зиммасига олди.

Аслида бу мулоҳазаларни ёзиш ниятим бўлмаган. Аммо йиллар, ойлар, ҳатто кунлар эмас, соат сайин айрим давлатларнинг аъённавий муносабати бир дақиқада аксига айлангани — тасаввур қилиш қийин.

60 йилдан ошибдики, "Озодлик" радиосини биланам. Талаба бўлганимда устозларнинг бу радио ҳақида гоҳ баралла, гоҳ пичирлаб гапирганларини эшитганман. Кейин эса касбим тақозосига кўра уни тинглаб бориш лозим бўлди. "Озодлик" менимча, ҳаммиса тўксонга ўн қабилида ишлаган. Яъни, эшиттиришларнинг катта қисми ноҳолис, ёлғон, ҳатто тўхматдан иборат бўлар эди. Ахён-ахёндагина ҳақиқатда жамият ва ҳаётда бор камчиликлар тилга олинарди.

Бундай дейишга асосларим бор, албатта.

2004 йил апрелида мен Ўзбекистон телевидениесининг "Ахборот" дирекцияси муҳбири сифатида Ўзбекистон

лик" ёлғонларини фош этдик. Кўрсатув арафасида "Озодлик" таҳририятига кўнғироқ қилиб, "Шайбон" тахаллусли муҳбири ва Тошкент бюроси раҳбари Раҳматжон билан суҳбатлашдик. Уни ҳам кўрсатувга киритдик. Хуллас, шармандаси чикди, уларнинг.

Кўрсатув эфирга узатилгач, эртаси куни ишга, телевидениега келсам, кириш йўлига олдида ("Пахтакор" метро бекатининг кириш гўмбазини биносига қаршисида) йигирма чоғли одам шиор кўтариб туришибди. "Обидов, "Озодлик"дан қўлингни торти!" деб ёзилган эди унда. Шиор тутиб турган йигитларнинг биридан "Обидов ким ўзи?" деб сўрадим. У эса, "Ўқидингизми, ўтинг бу ёққа!" деди. Шунда икки ёқасидан маҳкам тутиб, "Уша Обидов менман, сен кимсан ўзи?" дея бақирдим. Бечора йигит шиор дастасини ерга ташлаб, бор талвасасида қўлимдан чиқишга уринар эди.

— Жон ака, мени қўйиб юборинг, биз мардикорлармиз, соатига 5 минг сўмдан (воқеа 2004 йилда бўлган) берамиз деб Чорсудан ёллаб олиб келишган ҳаммамизни, — дерди у.

Шовқин-сурондан шиор дастасини

Журналист мулоҳазалари

“ОЗОДЛИК”  
ЎПИЛАДИ-МИ?

қурилишлар сифати доимий назоратда.

қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекцияси ўз ваколатлари доирасида қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги, шунингдек, кўп қаватли уй-жой фондини бошқариш юзасидан давлат назоратини амалга ошириб келмоқда.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида инспекциядан 1119 та объект рўйхатдан ўтган. Йил давомида 7602 та назорат текширувлари ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун 5333 та эъза кўрсатма берилган.

Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва тегишли чоралар қўрилимоқда. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини 99-моддасига асосан, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйилган 584 та ҳолатда 4 740,410 миллион сўмлик маъмурий чоралар қўрилди.

Қурилиш объектларида олиб борилган назорат давомида 332 та ҳолатда 4 185,9 миллион сўмлик сифатсиз ишлар бажарилганлиги аниқланди. Давлат дастурларининг ижро этилишини назорат қилиш ва

қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекцияси ўз ваколатлари доирасида қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги, шунингдек, кўп қаватли уй-жой фондини бошқариш юзасидан давлат назоратини амалга ошириб келмоқда.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида инспекциядан 1119 та объект рўйхатдан ўтган. Йил давомида 7602 та назорат текширувлари ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун 5333 та эъза кўрсатма берилган.

Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва тегишли чоралар қўрилимоқда. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини 99-моддасига асосан, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйилган 584 та ҳолатда 4 740,410 миллион сўмлик маъмурий чоралар қўрилди.

Қурилиш объектларида олиб борилган назорат давомида 332 та ҳолатда 4 185,9 миллион сўмлик сифатсиз ишлар бажарилганлиги аниқланди. Давлат дастурларининг ижро этилишини назорат қилиш ва

қурилишлар сифати доимий назоратда.

қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекцияси ўз ваколатлари доирасида қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги, шунингдек, кўп қаватли уй-жой фондини бошқариш юзасидан давлат назоратини амалга ошириб келмоқда.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида инспекциядан 1119 та объект рўйхатдан ўтган. Йил давомида 7602 та назорат текширувлари ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун 5333 та эъза кўрсатма берилган.

Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва тегишли чоралар қўрилимоқда. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини 99-моддасига асосан, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйилган 584 та ҳолатда 4 740,410 миллион сўмлик маъмурий чоралар қўрилди.

Қурилиш объектларида олиб борилган назорат давомида 332 та ҳолатда 4 185,9 миллион сўмлик сифатсиз ишлар бажарилганлиги аниқланди. Давлат дастурларининг ижро этилишини назорат қилиш ва

туманидаги қишлоқ хўжалиги ишлари ҳақида репортаж тайёрлаганман. Унда пахта ниҳолига ишлов бериш акс этган. Лавҳа сўнггида бир кўринишда жамоа аъзоларига иш ҳақи берилаётгани ҳам кўрсатилган. Ушунда "Озодлик"нинг Тошкентда бюроси, вилоятларда эса муҳбирлари бўлган. Лавҳа эфирга берилгач, "Озодлик"нинг муҳбири Носир Зоҳид ширкат аъзоларига аслида иш ҳақи берилмагани, қўрсатилган воқеликни эса тасвири ташкил этган, дея тўхмат ва ёлғон ахборот тарқатди. Биз "Ахборот" дирекциясида унга жавоб беришга қарор қилдик. Тасвири билан воқеа жойига қайтиб бориб, иштирокчилар, гувоҳлар кўрсатмаларининг инсайдер сўзларини ёзиб олиб, "Озод-

қўрсатган иккинчи йигит қочиб кетди. Қолганлари қўлимдан шеригини олиб олдилар ва метро бекати томон югурдилар. Шу кунги кечқурун "Озодлик" радиосида "Тошкентда норозилик намоийши бўлиб ўтди" сарлавҳали мақола берилди. Унда "Ахборот" муҳбири Муҳаммаджон Обидов "Озодлик"ни асоссиз айблагани" айтилиб, бир гуруҳ тошкентликлар телевидение биносига олдида норозилик намоийши ўтказгани хабар қилинди. Аммо воқеликнинг мен иштирокидаги давоми ҳақида бир сўз дейилмаган.

Умуман, "Озодлик" тўхмат, ёлғон ахборот яратиш ва тарқатишнинг ҳаддини олган. Унинг журналистлик куч ва

маҳоратини холислик асосида сарфлаганида, аллақачон таниқли иждодкор бўлар эди. "Озодлик"нинг малакаси юқори, сиёсатдон, гапга чечан журналистлари неча ёлғондан қочмайди, деб кўп ўйлайман. Билсам, уларни 2005 йилда Ўзбекистондан

қурилишлар сифати доимий назоратда.

қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.



қурилишлар сифати доимий назоратда.

қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

қурилишлар сифати доимий назоратда.

қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

қурилишлар сифати доимий назоратда.

қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

қурилишлар сифати доимий назоратда.

қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

қурилишлар сифати доимий назоратда.

қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

PS Ҳа, яна бир гап. Вашингтондаги намоийшлар юртимиздаги илгари "Озодлик"нинг қосидан яланиб юрганларга ёқмади шекилли, Россиянинг қўли Вашингтонга етиб борди, дея яна ҳақиқатни булғамочки бўляптилар. Йўқ, жаноблар, кўзингизни очинг, "Озодлик" керак эмаслиги ҳақидаги фикр АҚШ раҳбарига тегишли ва Америка солиқ тўловчилари уни қўллаб-қувватляптилар холос.

## ҚУВАСОЙДА ТРАКТОР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Шу йил Қувасой sanoat zonasida xitoyliklar bilan hamkorlikda traktor ishlab chiqaradigan korxonalar quriladi. Buning uchun xitoylik investor Юань Яньпин birinchi bosqichda 100 million AQSH dollari ajratadigan b'ldi. Dastlab 30 million dollariga bino-inshoot, zarur jihozlar keltiriladi.

Маълумки, Фарғона вилояти бодорчилик махсулотларини етиштириш ва экспорт қилишда мамлакатда биринчи ўринда. Виллоятга эса, жумладан, турли русумдаги боғ тракторлари ҳам керак. Ҳозиргача улар асосан Хитойдан сотиб олинаётган эди. Энди уни Қувасойда ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Дастлабки йилда трактор қисмлари келтирилиб, шу ерда йиғилади. Келгуси йилдан эса айрим қисмлар Фарғонанинг ўзидан ишлаб

чиқарила бошланади. Натижа эса шундай бўлади: 250 та янги иш ўрни, қўшимча қиймат солиғига тортилган махсулот, нархи арзонлаган қишлоқ хўжалиги тракторлари. Хитойлик инвестор Юань Яньпин хонимни қабул қилган Фарғона вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров ўртасида шу масала муҳокама этилди.

Ўз мухбиримиз.



## Рамазон сабоғи

## Эҳсоннинг ФАЗИЛАТИ

Раббимиздан берилган барча нарсалар бизларга омонат бўлганидек, молу давлатимиз ҳам омонатдир. Аллоҳ берган бу молу давлатни Ўзи буюрган ва рози бўладиган жойларга сарфлашимиз даркор. Хайру эҳсон ва садақа қилишда пешқадам, шунингдек, барча эзгу ишларда имкон қадар кўмакчи ва ҳоми бўлишга ҳаракат қилишимиз керак.



Файзулло АБДУРАҲМОНОВ, Фарғона шаҳар "Аҳмадхон қори" масжиди имом-хатиби

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг жуда кўп оятларида хайр-эҳсоннинг савоби кўпчилиги ва фазилати улканлиги ҳақида марҳамат қилади. Жумладан, Оли Имрон сурасида шундай деган:

"Суйган нарсаларингиздан эҳсон қилмагунингизча сира яхшиликка (жаннатга) эриша олмайсизлар. Ниманики эҳсон қилсангиз, албатта, Аллоҳ уни билувчидир" (Оли Имрон сураси).

Бақара сурасида шундай деган: "Мол (бойлик)ларини кеча-ю кундуз, пинҳона-ю ошқора эҳсон қиладиган кишилар учун Парвардигорлари ҳузурда (махсус) мукофотлари муҳайёидир. Уларга (охиратда) хавф ҳам бўлмас ва улар ташвиш ҳам чекмаслар" (Бақара сураси). Демак, киши хайр-эҳсонни ихлос билан, савоб умидида қилар экан, ояти қаринада ваъда қилинганидек, улкан мукофотларга эришади. Яна бир ояти қаринада Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган:

"Садақаларингизни агар ошқора берсангиз, жуда яхши. Борди-ю, камбағалларга пинҳона берсангиз – ўзингиз учун янада яхшироқидан ва (ў) гуноҳларингиздан ўтар. Аллоҳ қилаётган (барча) ишларингиздан хабардордир" (Бақара сураси).

Оятнинг зоҳирдан садақаларнинг барча турларини ошқора ёки пинҳона беришнинг жоизлиги, аммо пинҳона садақанинг афзаллиги маълум бўлади. Лекин баъзи уламолар фарз ёки вожиб садақаларни, яъни закот, ушр, фитр садақаси ва каффоратларини ошқора берган афзал, ихтиёрий нафл садақаларни эса пинҳона берилгани яхшидир, дейдилар. Зеро, вожиб садақалар пинҳона берилса, одамларда закот бермайди, деган шубҳалар туғилиши мумкин. Аммо нафл садақалар ҳам баъзида бошқалар кўриб ўрناк олсин деган ният билан ошқора берилгани яхшидир.

Битта берилган хайр-эҳсон эвазига Аллоҳ таоло бир неча баробар кўпайтириб бериши ҳақида шундай дейди:

"Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар (савобининг) мисоли гўё бир донга ўхшайдилар, у ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган етти та бошокни ундириб чиқаради. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга (савобини) янада кўпайтириб беради. Аллоҳ (қарам) кенг ва билимдон эродир" (Бақара сураси).

Аллоҳ таоло бу мисоли билан қилинган биттагина эҳсон эвазига битта эмас, балки етти юз ва ундан ортик савоб бериши мумкинлигини билдирмоқда. Эҳсон қилувчи киши бу эҳсон эвазига фақатгина охиратда ажр олибгина қолмай, бу дунёда ҳам мукофотларга эга бўлади.

Садақа ва эҳсоннинг барча кўринишлари, хоҳ у нафл бўлсин хоҳ фарз бўлсин, барчаси гуноҳларнинг ўчирилишига сабаб бўлади. Бу ҳақда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: "...Сув оловни ўчирганидек, садақа гуноҳларни ўчиради" (Имом Термизий ривояти).

Хайр-эҳсон қилиш билан ҳаргиз мол озаймаслиги ҳақида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Уч нарсанга қасам ичаман: "Банданинг молу садақа ила нуқсонга учрамас. Банда бир зулмга учраса-ю, унга сабр қилса, албатта, Аллоҳ унинг иззатини зиёда қилур. Банда тиланчилик эшигини очса, албатта, Аллоҳ унга фақирлик эшигини очар", дедилар (Имом Аҳмад ва Имом Ибн Можа ривояти).

Хайр-эҳсон қилган кимсанга ҳақиқати фаришталар дуо қилишлари ҳақида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам куйидагича марҳамат қилганлар: "Ҳар тонг бандалар уйғонганда икки фаришта тушади. Улардан бири: "Аллоҳим, инфоқ (нафақа-эҳсон) қилувчиларга ўрнини қоплайдиган нарсани ато эт", дейди. Иккинчиси: "Аллоҳим, ҳасис, зикналарга талафот бер", дейди" (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган).

Бир кун Ибдуллоҳ ибн Мубарак раҳматуллоҳи алайҳидан бир гадои пул сўраган эди, у зот бир дирҳам эҳсон қилди. Шунда у зотнинг баъзи дустлари: "Бу гадоилар қовурилган гўшт ва фалузж (ширинлик) каби таомларни истеъмол қилади. Унга бу пулнинг бир қисмини берсангиз ҳам қифоя қилар эди", деди. Шунда Абдуллоҳ ибн Мубарак: "Худо ҳаққи, мен уларни кўкат ва нондан бўлак бирор таом истеъмол қилмайдилар, деб ўйлардим, сиз айтгандек улар фалузж ва гўшт ейдиган бўлсалар унда уларга бир дирҳам озлик қилади", дедилар ва ўз хизматкорларидан бирига: "Гадоини қайтариб келгин-да, унга ўн дирҳам бериб юбор", дея амр қилдилар.

Шундай экан, бировга ёрдамимиз тегишидан хурсанд бўлишимиз ва мана шундай мартабани берган Аллоҳга доимо ҳамд айтиб, бу эзгу ишда пешқадам ва бардавом бўлишимиз керак. Бу ҳақда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: "Ким бир мўминдан дунё машаққатларидан бирини аритса, Аллоҳ таоло қиёмат кунини унинг машаққатларидан бирини аритади. Ким бир камбағалнинг ишини енгиллатса, Аллоҳ унинг бу дунё-ю охират ишларини енгиллатади. Ким бир мусулмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ унинг айбини дунё-ю охиратда беркитади, модомики, киши биродарини ёрдамида экан, Аллоҳ уни ёрдамидадир" (Имом Термизий ривояти).

Ўзбекистон тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси Фарғона шаҳар кенгаши тармоқ Республика Кенгашининг 2025 йил 14 мартдаги 14-13-С" сонли қарорига асосан 2025 йил 17 мартдан бошлаб ўз фаолиятини тўхтатаётганлиги

### МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

## Ижтимоий карта КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?



Адҳамжон МИРЗАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси бош мутахассиси

Ўтган йилнинг 20 февралда ижтимоий ҳимоя соҳасидаги хизматлар қамровини янада кенгайтириш бўйича устувор вазифалар юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида 2024 йилнинг 1 октябрдан Ўзбекистонда аҳолига кўрсатиладиган барча ижтимоий ёрдамларни ижтимоий карта орқали молиялаштириш жорий этилиши белгиланган. Хўш, ижтимоий карта нима ва у кимларга берилади?



Қайд этиш жоизки, ижтимоий карта тажриба-синов босқичида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида жорий этилди. 2024 йилнинг декабрь ойдан бошлаб янги тайинланган тўққиз турдаги ижтимоий тўловлар олувчи шахсларга тақдим этилмоқда.

Ижтимоий тўловлар олувчи шахсларга ижтимоий карталар бепул берилади ва дастлаб

тўлов воситаси (банк картаси) функциясини бажаради. 2024 йил 1 декабрдан бошлаб кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам, ёшга доир ва ногиронлик нафақаси, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳар ойлик моддий ёрдам, ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга ногиронлик нафақалари ва уларни парваришлайётган

оналар учун нафақа, протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари учун ваучер, боқувчисини йўқотганлик нафақаси ижтимоий карта орқали тўлаб берилмоқда.

2025 йилнинг 1 апрелидан бошлаб ушбу ҳудудлар (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида) бўйича яна қўшимча 2 турдаги ижти-

моий тўловлар – хомилдорлик ва туғиш нафақаси, "Саховат ва кўмак", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" жамғармалари ҳисобидан тўланадиган транспорт умумбелгиланган транспорт тарифларида транспортдан фойдаланишлари мумкин бўлади.

Қайд этилишича, ушбу функцияни жорий этиш мақсадида тегишли ахборот тизимларини интеграция қилиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Тажриба синов босқичида ижтимоий карта очиш учун электрон аризалар "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари орқали қабул қилинмоқда. Кейинчалик фуқаролар Ягона давлат интерактив хизматлари портали, "Ижтимоий карта" мобил иловаси орқали ҳамда ижтимоий карта бўйича белгиланган молиявий агентларнинг бўлиналари (АТ "Халқ банки", АТ "Алоқабанк") орқали мурожаат этишлари мумкин бўлади.

Ижтимоий карта ариза берилган кундан бошлаб 3 иш кунини ичида тақдим этилади. Ўзгалар парваришига муҳтож айрим шахсларга "Инсон" ижтимоий хизматлари марказлари томонидан 15 кун ичида ижтимоий карталар уларнинг яшаш жойига етказиб берилади.

Ижтимоий карта 2025 йил 1 июлдан бошлаб босқичма-босқич республиканинг барча ҳудудларига жорий этилади.

## Бағдоддан ЧЕМПИОНЛАР ЧИҚМОҚДА

Спорт нафақат юксак натижалар, аввало, саломатликнинг гаровидир

Бағдод туманидаги марказий ўйингоҳ мажмуасида сунъий қопламали мини футбол майдони қурилиши, шунингдек, югуриш йўлагининг куйма резина билан қопланиши ва спорт анжумлари билан жиҳозланиши учун маҳаллий бюджетдан 7,5 миллиард сўм маблағ ажратилган эди. Қурилиш ва спорт анжумлари билан жиҳозлаш ишлари якунланиб, шу йил бошида у фойдаланишга топширилди.



Этиборли томони, бу ерда бағдодлик спортчилар аста-секин ютуқларга эриша бошладилар.

– Маъмулда 2500 нафарга яқин туман-дошларимиз спортнинг 20 тури билан

шўғулланишади. 16 таси олимпиада спорт турларига киритилган, – дейди Бағдод тумани ҳоқими ўринбосари Қажрамон Муртозоқулов. – Биргина енгил атлетикани оладиган бўлсақ, спортчиларимиз республика чемпионатида

фахрли ўринларни эгаллашади. Жумладан, Равшанбек Юсупов найза улоқтириш бўйича фахрли 1-ўринни кўлга киритиб, Ўзбекистон чемпиони деган номга сазовор бўлди. Спорт марказида аёллар, қизлар учун

алоҳида шароит яратилди. Янгидан ташкил этилган "Аёллар саломатлик маркази" ҳар кун эрта тонгдан кеча қадар ишлайди. Бу ерда атрофдаги маҳаллаларнинг катта-ю кичик аёллари жисмоний тарбия билан машғул.

– Биз маҳалла аёллари билан соғлиғимизни тиклаш мақсадида шу ерда спорт билан мунтазам шўғулланиб келяпмиз. Яратилаётган имконият ва шароитлардан жуда ҳам мамнунмиз, – дейди "Мурувват" маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Марҳаб Абдурахмонова.

Марказда ёш қизлар учун бир неча гуруҳлар мавжуд. Улар асосан спортнинг гимнастика турига қатнашади. Ҳозирдан оқ умидли ва иқтидорли қизлар сараланиб, қўшимча машғулотлар ўтказилапти. Спорт билан шўғулланиш касалликларни четлаб ўтиш имконини бераётганидан қишлоқ аёллари хурсанд.

– Мен соғломлаштириш марказига келишимдан олдин жисмоний толиқиш, вазн ортишидан қийналар эдим, – дейди Марҳаб Абдурахмонова. – Жисмоний тарбия ва спортта ошно бўлганим сабабли бир ойда уч килограмм вазн ташладим, толиқишларим йўқолди. Рухиятимда ижобий ўзгаришларни сезяпман.

Бу ерда спортнинг найза улоқтириш, узоққа тош отиш турлари бўйича ҳам гуруҳлар ташкил этилган бўлиб, ногирон аёл ва қизлар паралимпиада мусобақаларига қатнашишни умид қилинган.

Сарвар ОБИД. Элёр ОЛИМОВ олган сурат ва тасвирлар.



# Истеъдод юксакликка етаклайди

Қувасой шахридаги 5-умумтаълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси Комилжон Ҳошимов "Суюн" тўрагага истеъдодли ўқувчиларни жалб этарди. Ўқувчилар вилоят ва республика миқёсидаги танловларда муваффақиятли қатнашишар эди. Айниқса, 4-синф ўқувчиси Улуғбек Ҳошимов куйлаётган катта ашулалар олқишларга кўмиларди.



Пойтахтда ўтган "Ёш қалдирғочлар" танловидаги ғойалик Улуғбекнинг ҳаётида катта бурилиш ясади. У "Фарғонам" кўшиғини куйлади. Даврада ўқувчиларини мазкур танловга олиб келган Қувасой шахридаги мусиқа мактаби директори Муродилжон Сулаймонов ҳам бор эди. У Фарғонага қайтган, Улуғбек ўқиётган умумтаълим мактабида каби билан суҳбатлашди. Ёш иқтидор соҳибини пойтахтда, Глиер номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабида ўқитишни маслаҳат берди. Кўп ўтмай Улуғбек шу ерда аънаванавий хонандалик синфида таълим ола бошлади.

Ииллар бесамавр кетмади, у танбур чертаётганида томошабинлар бир маромда тебранар, созада ундан руҳланарди. Улуғбек 9-синфини тамомлаб, Фарғона санъат коллежида ўқиди. Улуғбек таълим маскандада Олимжон Юнусов, Аслибек Худойназаров, Тоҳиржон Қаҳҳоров, Ҷаҳрамонжон Умаров, Иброҳимжон Юлдашев каби устозлардан, кейинчалик Тошкент маданият ва санъат институтида ўқиётган кезлари Ўзбекистон халқ ҳофизлари Оролмурод Сафаров, Уктам Расулов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Дадаев сабогини олди, танбур чолғу созида моҳир ижрочи бўлиб етишди. Унинг ижросидаги "Турғун тановар", "Болақузук", "Эй сабо", "Бозургони" каби куйлар санъатсеварлар эътирофига сазовор бўлди. Бир неча бор "Ёш ижрочилар", "Созлар наво-си", "Ёш макомчи" республика кўриктанловлари, шунингдек, Озарбайжон, Қозоғистон, Корея Республикаси, Туркияда ўтган санъат фестивалларида ғойалик сафидан ўрин эгаллади.

Улуғбек Ҳошимов ҳозирда Фарғонада, ихтисослаштирилган санъат мактабининг аънаванавий ижрочилиги бўлимида фаолият юритмоқда. Еш

Маҳиёра БОЙБОБОВА.



Фарғона вилояти ИИБ ЖХХ ЖТСБ Кинология бўлимида томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг муҳофазатига асосан, уларга тегишли итларни умумий бўйсунувчанлик ҳамда химоя-қорувол кўникмалари бўйича тайёрлаш юзасидан пуллик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Пуллик хизмат кўрсатиш даври ветеринария хизмати ҳамда озиклантиришни ҳам ўзи ичига олади. Агарда ўзинингизни қизқирган саволларингиз бўлса, куйидаги манзил ёки телефон рақамларига муносабат қилишингиз мумкин. Манзил: Фарғона шаҳар, "Қирғули" МФЙ, Меъмор кўчаси, 3/5-уй. Телефонлар: 77 009-94-45, 77 707-60-80.

Хизматлар лицензияланган.

Тарихдан маълумки, ислом дини Марказий Осиё минтақа аҳолиси, хусусан, туркий халқлар қисқа муддат ичида янги дин-пўхта ўзлаштирадилар. Зеҳнлардаги қобилят ислом кўеши билан мунавар бўлган, туркий халқлар орасидан етук комусий уламолар етишиб чиқа бошлади. Минтақада Туркийлар ҳокимият таъсисга келди. Бу эса бошқа халқларнинг туркийлар билан яқин муносабатга киришларига интилишга олиб келди. Бундан минтақа аҳолиси тилини ўрганиш имкониятини берадиган воситалар-чиқар эди.

## "Девону луғати-т-турк": ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР МАДАНИЯТИНИ БОҒЛОВЧИ МАНБА

**Х**I асрда яшаб ўтган Махмуд Кошгарий мавжуд ҳолатни тебранган англаган ҳолда, бошқа халқлар, хусусан, арабларнинг туркий забонлар билан осон мулоқотга киришиш имкониятини тақдим этувчи асарга эҳтиёж борлиги ҳақида хулоса қилди ва натижада тахминан 1068-1074 йиллар оралиғида "Девону луғати-т-турк" асари дунёга келди.

Асар муаллифининг тўлиқ исми Махмуд ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад Кошгарий бўлиб, қомусий олим, фикҳ ва ҳадис илмининг билимдониди. Кошгарда туғилган (санаси номаълум), қорахонийлар давлатининг пойтахти Боласоғунда яшаган. Туркий халқларнинг XI асрдаги йирик тилшуносидир. У ўз даврида маданий марказ бўлган Кошгарда дастлабки билимларини олган. Кейинчалик Самарқанд, Бухоро, Нишопур ва Марв шаҳарларида ўқиган. Олим араб халифалигининг маданий марказларидан бири бўлган Бағдодда араб тилшунослиги, адабиёти, тарих ҳамда табиий фанлар бўйича таҳсил кўрган. Бу ерда Кошгарий машҳур араб тилшуноси Сибавайҳининг тилга доир асарларини мукаммал ўрганган.

Манбаларда Кошгарий туркий тилларга бағишланган иккита йирик асар ёзганлиги қайд этилган. Мазкур асарлардан бири "Жавохирун наҳви фи луғати турк" ("Туркий тиллар синтаксиси жавохирлари") номи билан, иккинчиси эса "Девону луғати-т-турк" ("Туркий тиллар сўзлари луғати") деб аталган. Бироқ бу асарларнинг фақат иккинчиси бизгача етиб келган. Биринчи асар ҳозиргача топилгани йўқ. Бироқ мазкур асарнинг мавжуд бўлганлиги шубҳасиздир. Бу ҳақда олимнинг ўзи шундай дейди: "... девонда ("Девону луғати-т-турк" асари назарда тутилмоқда) бирлик, кўплик, ошириш, чоғиштириш, кичиратиш, келишиклар масаласи ва бошқалар ҳам зикр қилинмади. Чунки биз буларни "Жавохирун наҳви фи луғати-т-турк" исми асаримизда бердик. Наҳвага оид (синтаксисга оид) қоидалар у асардан қаралиши керак".

"Девону луғати-т-турк" асари яратилиши ҳақида Махмуд Кошгарий шундай ёзади:

"Худо давлат кўеини турклар бурчида яратди, фалқнинг ҳам шулар мулкига мослаб айлантди. Уларни турк деб атади, мумка эга қилди, уларни законамизнинг ҳоқонлари этиб кўтарди. Замон аҳлининг ихтиёр жиловини шулар қўлига топширди,

**халққа бош қилди, буларни тўғри йўлга юришга қодир қилди. Буларга яқин бўлиш учун энг асосий йўл – уларнинг тилларида сўзлашишдир. Чунки улар бу тилда гаплашувчиларга яхши кўлоқ соладилар, уларга ўзларни яқин тутадилар, зарар бермайдилар. Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим".**

Асарнинг ёзилишига сабаб қилиб қуйидаги икки асосни кўрсатишимиз мумкин. Биринчидан, асар дунё тамаддунига бемисл ҳисса қўшган буюк алломалар тилини ўргатади. Тарихдан маълумки, VII асрдан бошлаб узоқ минтақаларга ёйла бошлаган ислом дини қисқа фурсат ичида етук уламоларни тарбиялаб чиқарди. Бизнинг диёрлардан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Дорийимлар ҳадис илмининг "олтин асри"да яшадилар.

Манбаларда келтирилишича, ушбу даврда биргина Кеш (Шаҳрисабз)нинг ўзига 60 дан зиёд муҳаддислар фаолият кўрсатган. Шу ва кейинги даврларда Мовароуннаҳр диёри уламоларни етиштириб берадиган улғу маскан сифатида дунёга донг таратди.

"Урта Осиё алломалари қомуси" китобида 2700 нафардан зиёд олиму уламолар ҳақидаги қисқача маълумотлар жой олган. Улар VIII-XIX асрларда яшаб, ижод қилган аждодларимиз бўлиб, бундан Мовароуннаҳр замининда илму фан тараққиёти, маърифат зиёси ҳамisha мунаварр бўлиб келгани ҳақидаги мантикий хулоса келиб чиқади.

Мисол тариқасида Ҳаким Термизий, Абу Лайс Самарқандий, Имом Мотуридий, Қафқол Шоший, Насафийлар, Бурхониддин Марғиниий сингари ислом уламолари, Ибн Сино, Исо Хоразмий, Беруний, Фиробий каби қомусий олимлардан жуда кўпларининг номини зикр қилишимиз мумкин. Наҳмидин "Девону луғати-т-турк" асарида биргина Самарқандда яшаб ўтган 1010 нафар уламонинг таржimai ҳоли келтирилган.

"Урта аср шарқ алломалари энциклопедияси"да Мовароуннаҳрда яшаб ижод қилган 650 нафар мутафаккир ҳақида маълумотлар келтирилган. Бу эса ушбу даврда туркий халқларнинг дунё тамаддуни ривожига кучли таъсир этгани ва бошқа миллатларнинг улар билан

кучли ижтимоий-сиёсий алоқалар ўрнатишга эҳтиёжли экани тушунилади.

Иккинчидан, Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудида ҳукмронлик туркий халқлар қўлига ўтди. VIII аср охири – IX аср бошида халифаликдаги оғир сиёсий вазият аббосийларнинг Мовароуннаҳр ва Хуросонда олиб бораётган сиёсатини ўзгартиришга мажбур этди. Бирин-кетин Урта Осиёда тоҳирийлар, сафорийлар, сомонийлар давлатлари ташкил топди.

XI аср бошларида эса сомонийлар давлати ҳудудларида икки давлат: қорахонийлар ва гаснавийлар давлатлари пайдо бўлди. Мазкур асрнинг иккинчи ярмида қорахонийлар давлатининг маъмурият чегараси анча кенгайди, унинг сиёсий, иқтисодий ва маданий даражаси кўп жиҳатларда мустақамланган эди. Туркий халқларнинг ҳокимият тепасига келиши, ўз навбатида, туркий тил макенининг ошишига олиб келди. Арабларнинг туркий халқлар билан тиллашиши учун янги воситалар керак эди.

Тили кишилар ўртасида алоқа воситаси, жамият ҳаётини акс эттирувчи кўзгу сифатида тушунган Махмуд Кошгарий ўзининг машҳур девонидан айнан бир даврга оид бўлган туркий тиллар ҳодисаларини, фактларини синхрон – қиёсий усул асосида солиштиради, таққослайди. Чунки ўша даврда айнан мана шу усул араб тилшунослигида жуда кенг тарқалган бўлиб, бу араб тилининг кўп шеваги тил эканлиги хусусиятидан келиб чиқади.

Махмуд Кошгарий синхрон – қиёсий метод билан қуролланган ҳолда туркий қабилаларни кезиб, асосий диққат-эътиборини уларнинг тилларидаги умумий ва фарқли хусусиятларга қаратади. Шунингдек, у туркий қабилаларнинг жойлашиш ўрни ҳақида ҳам қимматли, асосли жуғрофий маълумотлар берадики, бу девондаги фактларнинг, фикрларнинг, қарашларнинг объективлигини таъминлайди.

Айтилганлар асарнинг жуда катта меҳнат эвазига яратилганлигидан хабар беради. Тилшуносликнинг барча сатҳлари бўйича қиёсий тадқиқот ишларини олиб борган Махмуд Кошгарийнинг девони муқаддими ва луғат қисмларидан ташкил топади. Кириш қисмида асарнинг тузилиши, шунингдек, Шимолий Хитойдан тортиб, бутун Мовароуннаҳр, Хоразм, Фарғона, Бухорогача тарқалган катта ҳудуддаги уруғлар, қабилалар ва уларнинг тиллари, уларнинг фонетик ва грамматик хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилди.

Девоннинг асосий луғат қисмида эса 7,5 мингга яқин туркий сўз

араб тилига таржима қилиниб, изоҳланади, уларнинг фонетик, лексик ва грамматик хусусиятлари ҳақида муҳим фикрлар баён қилинади.

Махмуд Кошгарий мазкур асарига ўзи тузган дунё харитасини илова қилди. Харитада мамлакат, шаҳар, қишлоқ, тоғ, чўл, денгиз, кўл, дарё қабиларнинг номлари ёзилган. Харитада акс этмаган баъзи бир номлар луғат матнида изоҳланган. Харита асосан, Шарқий ярим шарга тўғри келади.

Кошгарий 1080 йилда (ёки 1118 йилда) ватанига қайтиб келиб, Ўпалдаги Азиз қишлоғида, Ҳазрати Мулломо тоғи этагидаги тепаликда жойлашган мадрасада дарс берган ва илмий ижод билан машғул бўлган (ҳозирда мазкур мадрасанинг фақат пойдеворлари сақланиб қолган). Буюк аллома 1105 йилда (ёки 1126 йилда) 97 ёшида вафот этиб, Ўпалдаги ўзининг аждодлари макбарасига дафн этилган. Макбара ҳозиргача "Ҳазрати Мулломо мазори" номи билан машҳур.

Асарнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида шуни айтиш мумкинки, уни ўрганиш асосида барча туркий халқлар бир оила вақили экани, қардош қариндошлиги эҳанларда яна бир бор қарор топади.

Девонда кўплаб луғатлар борки, улар бугунги кунда Осиё халқлари орасида истеъмолда мавжуд ва шунинг билан бирлигида айнан бир хил ёки бир-бирига жуда яқин таллаффуз қилинади. Масалан, "эт" ўзбек адабий тилида "тушт" деб юритилса-да, лаҳжаларида "эт" дейилади. Турк ва қозоқ тилларида ҳам "эт" деб юритилади. "Утлоқ" (яйлов) ўзбек тилида "ўтлоқ", турк тили "otlak" дейилади. "Балик" ўзбек тилида "балик", турк тилида "balik", қозоқ тилида "балык", "тамга" ўзбек тилида "тамга", турк тилида "damga" ва ҳоказо...

Юқоридики келтирилган луғатлардан маълум бўлмоқдаки, туркий халқларнинг барчаси бир миллат, бир оиллага мансубдир. Уларнинг тили, маданияти, урф-одатлари бир-бирига жуда яқин. Узро мулоқотда таржимонга эҳтиёж сезилмайди. "Девону луғати-т-турк" асарининг бугунги кундаги муҳим аҳамиятидан бири шу бўлиб, туркий халқларнинг бир оила вақили эканини ҳам дар ва ҳар вақт билан эслаштириб туради. Узро ҳамкор ва дўст-биродар, аҳлиноқ бўлишга қақиради.

**Ўлсмонхон МУҲАММАДИЕВ,**  
**Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази Қўрьоншунослик шўъбаси раҳбари.**

МУАССИС:  
"Farg'ona haqiqati" va  
"Ferganskaya pravda"  
gazetalariga taqdiriyati

Бош муҳаррир:  
Рустам ОРИПОВ

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.

Газета жума куни чикади. Адади: 2691 нусха.

Газета "Zakovat nashriyot uy" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Қосонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буюртма: 11296.

Баҳоси келишилган нарҳда. Навбатчи муҳаррир: Маҳиёра Бойбобова.

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.  
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.

Саҳифаловчи: Алишер Розиков.  
Босинга топшириш вақти: 16.00.  
Топширилди: 16.00.